

Жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди томонидан 41-сон манзил колониясида сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди.



Жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди томонидан халқимизга хос инсонпарварлик тамойиллари амалда қўлланилиб, тайинланган жазодан ўзига тегишли хулоса чиқариб, тузалиш йўлига ўтган, жазони ўташ даврида ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган маҳкумларнинг жазоси енгилроғи билан алмаштириш юзасидан 41-сон манзил колонияси бошлиғи киритган тақдимномаларга асосан 7 нафар маҳкум Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан енгилроқ жазо билан алмаштирилди.